



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (13.688)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Лондон шаҳри аэропортида қисқа техник тўхташ давомида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати хабар беради.

Сўхбат давомида давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик борасида мавжуд улкан салоҳиятни самарали рўйбга чиқариш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Турли даражалардаги мулоқотларни жадаллаштириш, амалий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга Буюк Британия Бош вазири Тереза

Мэйнинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Алан Дункан мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларга, Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва илчил тарқиётни таъминлашга қаратилган фаол саъй-ҳаракатларига, жумладан, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича халқаро конференция муваффақиятли ўтказилганга юксак баҳо берди.

Буюк Британия давлатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр экани қайд этилди.

Лондондаги техник тўхташдан сўнг Президентимиз АҚШга жўнаб кетди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА КЕЛДИ

Вашингтон, 15 май.

ЎзА махсус мухбири Абу Бакр ўРОЗОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май куни илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.

АҚШ пойтахтидаги "Эндрюс" аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини АҚШ расмий вакиллари кутиб олди.

Бўлажак олий даражадаги мулоқотга икки томон ҳам катта эътибор билан қарамокда. АҚШ маъмурияти Ўзбекистон Президенти ташрифини тарихий воқеа сифатида баҳоламоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16-17 май кунларига белгиланган. 16 май куни Шавкат Мирзиёев Оқ уйда Дональд Трамп билан учрашади. Музокаралар аввал тор доирада, сўнг кенгайтирилган таркибда бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинади.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазири ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши, шунингдек, турли соҳаларда ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган 40 дан ортқ ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎзА



Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Ўзбекистонда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг суд орқали ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ислохотлар" мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий суд судьялари ва масъул ходимлари, Самарқанд вилояти прокуратураси, суд органлари, адлия, божхона, солиқ, адвокатлар палатаси, тижорат банклари, савдо-санаят палатаси вилоят бошқармалари вакиллари, тадбиркорлар қатнашди.

● Урганчда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш кутқарувчи" мусобақаларининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими вазириликлари, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.

● Андижон вилояти Хонобод шаҳрида "Хонобод таровати" анъанавий ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Халқ сайли тарзида ўтган фестивал вилоятдаги умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари ўртасидаги югуриш марафони билан бошланди. Ёш спортчиларнинг кўرғазмали чиқишлари барчага манзур бўлди.

● Бухоро давлат университетида "Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз ва Марғилоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари ва истикболлари" мавзусида форум бўлиб ўтди. Форумда Бухоро шаҳри ва вилоятига хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими кўпайтириш, шу тарихга туризм салоҳиятини юксалтириш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз ва Марғилон шаҳарларидаги турфирмалар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, тажриба алмашишни йўлга қўйиш, меҳмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

● Машҳур "Кристис" ким ошди савдо уйида тўрт кун давомида АҚШлик танikli миллиардер Дэвид Рокфеллерга тегишли бўлган ноёб картиналар, мебеллар ва бошқа буюмлардан ташкил топган аукцион савдолари муваффақиятли ўтди. Унда савдога қўйилган барча 1600 та лотдан ўрин олган буюмлар сотилиб, ким ошди савдосидан тушган умумий маблағ 828 миллион доллардан иборат бўлди. Ушбу маблағнинг барчаси хайрия мақсадларига сарфланади.

● Жаҳоннинг энг йирик футбол юлдузларидан бири бўлмиш бразилиялик Неймарни "Барселона" клубидан 220 миллион евролик маблағ эвазига Франциянинг "Пари Сен-Жермен" жамоаси харид қилган бўлиб, ушбу футболчи Францияда ўзини яхши ҳис қилмаётганлиги, Испанияга қайтиш нияти борлигини билдирди. Неймарга бу гал Мадриднинг "Реал" клуби қизиқиш билдирмоқда. Фақат жаҳоннинг энг қимматбаҳо футболчисини харид қилиш учун 260 миллион евролик маблағнинг тўланиши талаб этилади.

● Хитоёда ўзиюрар машиналар ўртасида 12 та маҳаллий ва хорижий жамоалар иштирокида мусобақа бўлиб ўтди. Унда машиналарнинг тепаликка чиқиш, бурилиш ва бошқа шартлар бўйича ҳаракатланишига баҳо берилди. Бугун ушбу замонавий машиналарнинг тўлақонли пойғаси бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳрида 15 май куни Германия – Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, инвестиция, банк-молия, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобиль, кимё, электротехника саноати, банк сектори, туризм, хизмат кўрсатиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Германия – Ўзбекистон Ишбилармонлар кенгаши раиси, "Knauf Gips KG" компанияси ижрочи директори М.Грундке ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини ошириш борасидаги ишлар бунда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроеқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш белгиланган.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз салоҳиятини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилди, бизнес соҳасидаги солиқлар қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар берилди. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқишини оширмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда хориж капитали иштирокида 5 мингдан ортқ компания фаолият юритмоқда, улардан 132 таси германиялик ишбилармонлар билан ташкил этилган. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли ва узок муددатли шерикликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Германиянинг "MAN", "Claas", "Lemken", "Knauf" каби ўз соҳасида етакчи бўлган концерн ва корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. "Siemens", "Bosch", "Viessmann", "Humana" ва қўлаб бошқа компаниялар билан биргаликда истикболли инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот эшитилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНING 2017 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўтган йилда Ҳисоб палатасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган текшириш ва ўрганишлар (аудит) натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 66 та, Вазирлар Маҳкамасига 3 та маълумотнома ва тахлилий материаллар киритилган. Ўтказилган ўрганишлар натижасида, 2 минг 145 ҳолатда 36,5 миллиард сўм ва 7 миллион АҚШ долларилик ноқонуний ва самарасиз харажатлар ҳамда 38 та ҳолатда 268,3 миллиард сўм бюджет тизимига қўшимча даромад суммаси аниқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда ўрганиш ўтказилди. Қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳудудда аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўйдиган "Дори-дармон" акциядорлик компанияси тизимидаги

дорихоналарни жойлаштириш ҳамда ҳудудларда тез тиббий ёрдам шохбчаларини ташкил этиш ишлари қониқарсиз даражада эканлиги аниқланган.

Шунингдек, бирламчи тиббиёт муассасаларида умумий амалиёт шифокорлари ҳамда тор мутахассисликлар штат бирикликлари шифокорлар билан тўлдирилмаганлиги, тез тиббий ёрдам бригадаларининг қақирувлар учун дори-дармон воситаларига сарфланаётган бюджет маблағлари ўрганилганда 1 та қақирув дори-дармон харажати учун ажратилаётган маблағлар республика ҳудудлари бўйича номуносаблиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳолатида сезиларли ўзгаришлар йўқлиги аниқланган ва ўрганиш якуни бўйича Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси Соғлиқни сақлаш вазирилик ва Вазирлар Маҳкамасига юборилиши таъминланган.

(Давоми 2-бетда)

ЖСТГА АЪЗО БЎЛИШ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ФЙДАЛИМИ?

Пойтахтимиздаги "WynDham" меҳмонхонасида ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнини қайта йўлга қўйиш масаласига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирилик, Жаҳон банки ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий давлат органлари, Жаҳон савдо ташкилоти, Тожикистон, Қозоғистон давлатлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ, бугун Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш масаласи яна маҳаллий ва халқаро экспертларни фикр-мулоҳазалар ҳамда амалий мулоқотларга қўлаб қўйди.

Яқинда мамлакатимиз ҳукумати олий даражада Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнини давом эттиришга тайёрлиги ҳақида хабар берди. Шу муносабат билан Ташқи савдо вазирилик ҳузурида ЖСТга кириш бўйича масъул ишчи гуруҳ ва 7 иқтисослашган кичик гуруҳ ташкил этилди. Айни чоғда ЖСТга кириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилмоқда.

Ҳўш, мамлакатимиз бу ташкилотга аъзо бўлса, қандай имкониятларга эга бўлади? Фактларга қўра, Ўзбекистон

Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун 1994 йилда ариза топширган. Бугунги кунгача ЖСТ вакилларидан иборат ишчи гуруҳнинг 3 та сессияси бўлиб ўтган бўлса-да, шу вақтга қадар бу масалада аниқ келишув амалга оширилмаган.

– Ташкилотга аъзо бўлиш ёки бўлмаганининг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор эди, – деди Иқтисодий тадқиқотлар маркази илмий ходими Ашуралли Худойназаров. – Негаки, аввал бу борда тушунча ва қарашлар бошқача бўлган. Лекин бугунги шиддатли жараёнда мазкур масаланинг ўртага ташланиши табиий қарар керак. Чунки бу ташкилот аъзо давлатлар ишончини оқлаб улгурган. Масалан, Хитой иқтисодиётининг жадал раванкида ЖСТнинг ўрни катта бўлди. Бундан ташқари, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ташкилот аъзоси ҳисобланади. Бугунги ўтказилган семинарнинг асл моҳияти ҳам шунга қаратилди. Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлса, қандай иқтисодий ўсишга эришади, деган савол бўйича фикрлар ва илмий тахлиллар қилинмоқда. Бу жараёнда биз аъзо давлатлар тажрибаси, ютуқ ва камчиликларини ўрганишимиз. Бу масалада ҳар жиҳатдан пух

та ва аниқ ечимга келамиз. Бунинг учун биз орттирган билим ва малака қўл келайди.

– Ундан зиёд турли йўналишдаги битимлар асосида иш кўрадиган Жаҳон савдо ташкилотига 164 мамлакат аъзо бўлган, – деди USAID лойиҳасининг Жаҳон савдо ташкилотига ва савдо масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Йован Йекич. – Унга аъзо бўлган давлатлар махсулотини жаҳон бозорига чиқаришга эришади. Айниқса, бунда ташкилот халқаро инвестиция киритишга катта қўмақ беради. Янги сармоя янги қулайликларни яратди. Инвестор комплекс янги технологияларини олиб келади. Бунинг натижасида корхоналар ривожланиши ва қўшимча иш ўринлари яратилади. Рақобат муҳити ўз-ўзидан яхшиланади боради. Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши ҳам мамлакатининг иқтисодий ўсишини таъминлаб беради, деган ишонч билдираман.

Семинарда ЖСТга кириш бўйича халқаро, кўп томонлама ва икки томонлама музокаралар, ЖСТ келишувлари бўйича низоомлар, минимал мажбуриятлар ва имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбири

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан жорий йилнинг 17-18 май кунлари Марказ ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган “Малакали юридик кадрларни тайёрлаш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференцияси олдидан брифинг ташкил этилди.

Унда журналистларга халқаро анжумандан кўзланган мақсад ва унинг мазмун-моҳияти, конференция яқини бўйича қабул қилиниши кўзда тутилган тавсиялар тўғрисида тахлилий ахборот ва маълумотлар тақдим этилди. Хусусан, мазкур халқаро конференцияга тайёргарлик ишлари юқори савияда бораётгани таъкидланди.

Халқаро конференция ишида АКШ, Бельгия, Германия, Қозоғистон, Россия, Туркия ва Япония каби давлатларнинг етакчи экспертлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, мамлакатимиздаги суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирлик ва идоралар, олий юридик ўқув юртли ва илмий муассасалар, фуқаролик жамяти институтлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишлари маълум қилинди.

Айтиш жоизки, халқаро конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад – Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда ишчи татбиқ этилаётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида мамлакатимизда амалга оширилган тизимли суд-ҳуқуқ ислохотлари ва уларнинг ижобий натижаларини халқаро ҳамжамиятга намойиш этиш, шунингдек, мазкур йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш асосида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ва янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олишдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларнинг ўқитишнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш масалалари кўзда тутилган.

Тадбирда таъкидланганидек, халқаро анжуман 17 май кунини “Miran International Hotel” меҳмонхонасининг конференция-залида ўз ишчи бошлади. Анжуманнинг ўчта секциясида – “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба”, “Судьяларни тайёрлаш: замонавий усуллар ва инновациялар”, “Ўқув жараёнида замонавий инновацион технологияларни қўлланган муҳим жиҳатлари” мавзусида маърузалар ўқилди. Иштирокчилар мазкур йўналишларда илғор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиши алоҳида таъкидланди.

Халқаро анжуман 18 май кунини Самарқанд шаҳрида вилоят судьялари ва юристар иштирокида “Юридик кадрлар малакасини оширишга бўлган талаб: қайта алоқа ўрнатилиш йўллари, масофавий ўқитишнинг имкониятларидан фойдаланиш” мавзусида давра суҳбати билан давом эттирилди.

Халқаро конференция яқини бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинади.

(Ўз мухбиримиз)

ТҲЙ ВА БОШҚА МАЪРАКА-МАРОСИМЛАР ИХЧАМЛАШАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи япни мажлисида қабул қилинган “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда қарор ижросига масъул Тошкент шаҳар комиссияси аъзолари, туман ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раислари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши, “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Маънавият ва маърифат кенгаши, Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар ва туман имом-хатиблари ва бошқа мутасадди раҳбарлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Мазлумки, Олий Мажлис Сенати қарори асосида Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкилган. Ушбу гуруҳ аъзолари худудларга бириктирилган. Йиғилишда тўй ва бошқа маросимларни ихчам ҳамда ортиқча дабдабасиз ўтказиш масаласи юзасидан похтаимиз аҳолиси томонидан билдирилган тақлифлар асосида яқини қарор қабул қилинди.

Белгиланган мuddат давомида ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўрганилган аҳолининг тақлифлари йиғилишда яна бир бор қўриб чиқилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида йиғилишда қарор қабул қилинди. Ушбу қарор турли оилавий тадбирларнинг ихчам ва кам-харж ўтказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Иштирокчилар фикрича, фотига тўйи ва унаштирув маросими – бу икки тадбирни бирлаштириб ўзаро келишган ҳолда ортиқча чиқимларга йўл қўймасдан

Пойтахтимиздаги 94-умумтаълим мактабида Миробод туман 1-сон оилавий поликлиника томонидан “Саломатлик мактаби”нинг асосий вазифаларини аҳолига тушунтириш мақсадида тадбир уюштирилди.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Унга тумандаги “Миробод”, “Авлоний”, “Ойбек”, “Янги Миробод”, “Байналмилал”, “Заминабод”, “Темирйўлчилар”, “Салар” ва “Биродарлик” маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, мазкур муассасада фаолият олиб бораётган шифокорлар, ҳамширалар, шунингдек, мутасадди ва жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан 1-сон оилавий поликлиника бош шифокор муовини Луиза Чен, умумий амалиёт бўлими бошлиғи Дилбар Холмухамедова, поликлиника бош ҳамшираси Азиза Бекмухамедова ва бошқалар юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар ҳамда тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг олий мақсади – инсониятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги даврда тиббий кўридан ўтиш масаласи долзарб эканлиги, шунинг учун ҳам маҳаллалар раислари ва маслаҳатчилари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этишлари кераклиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, тадбир давомида “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари”, “Қарияларнинг турмуш тарзи ва овқатланиши” ва бошқа мавзулардаги маърузалар йиғилганлар диққатига хавола қилинди.

— Ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда 31 минг 500 дан зиёд аҳоли истикомат қилади. Фуқароларга терапевт, педиатр, окулист, лор, невропатолог, жарроҳ ва бошқа мутахассислар томонидан тиббий хизмат кўрсатилади.

“ЁШ ОЛИМПЛАР ЛИГАСИ” ИШ БОШЛАДИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг “Ёшлар қаноти” томонидан мамлакатимиз олий ўқув юртлиларнинг турли йўналишларда илмий иш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар иштирокида тадбир ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ЎзЛиДеПнинг VIII съездида илгари сурган муҳим вазифаларни партия томонидан тизимли равишда амалга ошириш баробарида “Ёшлар қаноти” тузилмасида ёш олимлар ва тадқиқотчилар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар давомида ёш олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси амалга ошириб келинди. Олий ўқув юртлиларида тахсил олаётган иқтидорли ёшлар учун партиянинг махсус стипендиялари жорий қилинди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий ислохотларнинг ҳозирги босқичи, қолаверса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги вазифалар партиянинг ёш олимлар билан амалга ошираётган ишларини ҳам тубдан қайта қўриб чиқишини тақозо этаётгани таъкидланди.

Йиғилишда ЎзЛиДеП “Ёшлар қаноти” қошида доимий асосда фаолият юритувчи ҳамда бугун мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тақдирини қарор қилинди.

Ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг изланишлари натижаларини амалиётга жорий этишга кўмаклашиш, илмий ишланмаларини кенг жа-

тис яхши йўлга қўйилган. Маҳаллалар 21 худудга бўлинган бўлиб, улардаги аҳоли тиббий кўриқларга мунтазам равишда жалб қилиб турилади. Айни пайтда поликлиникамизга бириктирилган хонадон ва оилаларга патронаж ҳамширалари хизмат кўрсатиб келишмоқда, — дейди 1-сон оилавий поликлиника бош шифокори Наргиза Холмухамедова.

Қолаверса, йиғилишда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, шифокорларнинг бу каби янгиликлардан бохабар бўлиб туришлари кераклиги, оммавий ахборот воситалари ва даврий матбуотни мунтазам кузатиб бориш долзарб эканлиги, ана шунда улар келгусида соҳа ривожини янги босқичга кўтар олишлари тўғрисида ба-тафсил тушунчалар берилди.

Ишчан ва мунозараларга бой тарзда кечган тадбир якунида соҳа мутахассислари аҳолини қизиқтирган мавзулар бўйича йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишларнинг барчаси халқимизга замон талабларига мос, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ
К. Ўлмасов олган сурат

Наташа ола 18 ёшга тулганларига қадар икки ўғли, бир қизи бор оиланинг катта фарзанди бўлиб воға етган. Шофиркон тумани марказидаги рус тилида ўқитилган мактабда таълим олган. Украинада қолган оилани уруш туғанидан кейин жигарларини излай-излай охири манзилни топишган. Наташа опанинг поччалари келиб, тарбиялаган ота-онага миннатдорлик билдириб, уларнинг рози-ризолоғи билан олиб кетишган экан.

Шундан кейин хат орқали алоқа қилиб туришган. Бибим хамирни соф сарийё ва думбаёғда бухороча қорма патир пишириб, туршак, майиз, иссиқ пайпоқ, қўлқоп ва бошқа буюмларни Наташга деб “посилка” қилиб турган. Бу ҳолат бобом билан бибимнинг умрлари охиригача давом этди. Энди ўйласам, бу совға-саломлар бир рамзий тимсол бўлган – шу орқали ота-оналик меҳр-муҳаббати ҳада этиб келинган.

1974 йили қариндошларимиз, эр-хотин Қаҳрамон ака ва Набижон янги ўғиллари Рустамжон бобом, бибим ва Нуриддин укамни олиб, Украинага – Наташа опанингга боришди. Бир ой меҳмон бўлиб, қизларини қўриб қайтишди. Бобом сўзлаб берган мана бу воқеа ҳар қандай кишига таъсир қилса керак.

“Қизим бизни электр поездга Украина бўйлаб сафарга олиб чиқди. Бир гал у вагоннинг ўртасида туриб олиб, баланд овозда “Азиз ватандошлар, танишинглар, мана, менинг ўзбекистонлик ота-онам – Имомиддин Гафқоров ва Зухра Наврўзова. Дунёга келтирган ота-онам урушда ҳалок бўлиб, Ўзбекистонга эвакуация қилинганда шулар мени фарзанд қилиб олишган. 10 йил боқиб, тарбиялаб, воға етказишган. Мен умримнинг охиригача улардан қарздорман. Шунингизларга айтгим келди!”, деб хайқирса бўладим. Ҳамма қарсак чалди. Кейин бир-бир келиб, бибинг иккимизни қучоқлаб, дўст украин халқи номидан миннатдорлик билдиришди. Биз Украинада бунчалар шараф топамиз, деб ҳеч хаёлга келтирмаган эканмиз...”

Орадан бир йил ўтиб, 1975 йили дадам Насриддин Гафқоров бир ой Украинада дам олдилар. Наташа ола ўзи, баъзан яқинлари билан келиб дадамни кўп меҳмон қилишган. Тақдирни қарангки, Нуриддин укам 1986 – 1988 йиллари айнан Украинада ҳарбий хизмат бурчинини ўтади. Улар тез-тез ҳарбий қисмга келиб, ўқимдан жаҳаб олиб туришган, уларда меҳмон қилишган. 1990 йили Ёқуб акам хизмат сафари билан Украинага борганларида Наташа ола билан дийдорлашиб келдилар.

Иккинчи жаҳон уруши халқларни бирлаштирган эди. Бу дахлатий муҳорабадан жаҳр кўрганларнинг дарди бир эди. Масалан, Наташа опани ўз қизидек тарбиялаган Зухра бибимнинг Наврўз деган акалари йиғит ёшида урушда бедарак кетган. Бибим умрларининг охиригача акаларининг эшик тақиллатиб қилиб келишини кутиб яшадилар. Афсус, биз фарзандлар бибимдаги бу олижанон туйғуларини, бу армонли соғинчларини катта бўлганимиздагина англадик.

Бобо-бибимдаги, умуман, ўша йилларда халқимиз кўрсатган бу бағрикенглик, бу меҳр-оқибат, юксак одампийлик фазилатлари қадрига энди-энди – улар ўтиб кетганларидан кейингина этиб, моҳиятини англаймиз. Во дариғ, энди кел. Лекин қўнғилга таскин берадиган бир буюк илинж бор: биз шундай олижанон халқнинг вақили, давомчилари эканимиздан фахрланамиз.

Албатта, бу факат менинг бобо-бибимгагина эмас, бутун Ўзбекистон халқига хос бағрикенглик эди. Ахир, халқимиз ўшанда уруш бўлаётган худудлардан қўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ одамни бағрига олган, бошпана берган. Уларнинг 200 мингдан зиёди болалар эди.

Бунинг ҳеч ким – биз ҳам, Украина, Беларусь ва Россия халқи ҳам ҳеч қачон унутмайди, унуттига ҳақли ҳам эмас!

Зиёда ҒАФҚОРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

З. ШАРИФЖОНОВ

Спорт янгиликлари

СПОРТ САЙЛИ
ЁШЛАРГА МАНЗУР

Мирзо Улугбек туманида жойлашган Тошкент марказий эко боғида ёшларни jismoniy tarbiya va sportga b'ulgan meхrining yanada oshirish maqsadida "Ёшлар - Ўзбекистон келажиги" шiori ostida sport сайли ўtkazildi.



Тошкент шаҳар Jисмоний тарбия ва спорт бошқармаси томонидан ташкил этилган сайлга спорт фахрийлари, спорт юлдузлари, жумладан, Осиев, Жаҳон чемпионлари ва Олимпиада ўйинлари голиб ва совриндорлари, шунингдек, 1 минг 700 нафарга яқин умумтаълим мактабларининг ички назоратга олинган ўқувчи ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюлмаган ёшлар қатнашди.

Ташкилотчиларнинг мақсади - ёшларнинг jismoniy tarbiya va sportga b'ulgan meхrining yanada oshirish maqsadida "Ёшлар - Ўзбекистон келажиги" шiori ostida sport сайли ўtkazildi.

Хон чемпионлари, Осиев ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришадигани айниқса эътиборлидир.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида "Уюлмаган ёшлар билан ишлаш" ҳафталиги ўtkazилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қoшидаги Ёшларга имкон маркази томонидан бозорларга кунлик иш излаб чиқадиган ёшларнинг умумий рўйхати шакллантирилди.

Анатолий КЕЧИН, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

Футбол мухлисларига маълумки, 17 май куни Эрон пойтахти Техрон шаҳрида Эрон ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўtkazилиши керак эди.

ТАҚВИМГА ЎЗГАРИШ КИРИТИЛАДИ

Шу боис, Профессионал футбол лигаси Суперлига жамоалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги 12-тур бахсларини миллий терма жамоамизнинг эронликларга қарши ўйинига қараб мослаштирган эди.

Миллий терма жамоамиз аъзолари 17 майда Техронга йўл олади ва 20 майда Тошкентга қайтиб келади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАКАМЛАРИМИЗ СЕМИНАРДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

Испаниянинг Новерчиано шаҳрида Россияда футбол бўйича уюштирилаётган жаҳон чемпионатида ишлайдиган ФИФА реферилари, лайсменлар, назоратчилар учун семинар ташкил этилди.

Унда ҳамюртимиз Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчилари - Абдухамидулло Расулов, Жаҳонгир Саидов, жаҳон чемпионатида ҳакамлар назоратчиси бўлиб ишлайдиган Фарход Абдуллаев ҳам иштирок этди.

Ҳакамларимиз кунига икки маҳалдан майдонда шуғулланишди. Ушбу семинар 14 июндан бошланган жаҳон чемпионати олдидан сўнггиси ҳисобланади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти 2017-2018 ўқув йилига доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ассистентлар бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:
• "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедраси: доцент,
• "Амалий механика" кафедраси: доцент, катта ўқитувчи
• "Тиллар" кафедраси: ўқитувчи
Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:
• "Кўприklar, тоннеллар ва йўл ўтказгичлари" кафедраси: ассистент
• "Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари" кафедраси: ўқитувчи-стажёр
Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:
- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- маълумотнома (объективка);
- диплом ва аттестатлар, илмий даражаси ва илмий унвони нусхалари;
- малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
- илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
- паспорт нусхаси.
Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўtkazадилар.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20-уй, ТАЙЛКЭ институти, ходимлар бўлими, 156-хона. Телефон: (0-371) 232-15-29

Тошкент вилояти, Зангиота тумани ТСДРУЙ томонидан 8.06.2010 йилдаги № 0002641 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "JUYONBEK FOOD" МЧЖ (ИНН 207081167) таъсисчининг 15.05.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Зангиота тумани, Эшонғузар кўрғони, С.Раҳимов кўчаси, 3/13 қабул қилинади. Тел: (99) 811-49-31.
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 10.04.2017 йилдаги № 009676-10 реестр рақами билан рўхатдан ўтган, "SMART EASY FOOD" МЧЖ (ИНН 303128256) таъсисчининг 15.05.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Шайхонтоҳур тумани, Фаргона йўли кўчаси, 13/11 қабул қилинади. Тел: (90) 975-51-44.
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 23 январдаги № 664-сонли ҳисоб рўйхатига олинган Миробод тумани, Нукус кўчаси, 18-уйда жойлашган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Миробод тумани филиали (ИНН 201800518) Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2018 йил 1 майдаги 6/ЖУ-23-3827-сонли мазкур филиал фаолиятини тугатишга оид хати ҳамда бошқарманинг 2018 йил 7 майдаги 28/28/ИЧ-сонли буйруғига асосан ТУГАТИЛАДИ
Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани ТСДРУЙ томонидан 8.06.2010 йилдаги № 0002641 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "JUYONBEK FOOD" МЧЖ (ИНН 207081167)га тегишли бўлган бурчак штамп йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан Азаматов Жаҳонгир Эркин ўғли номига 2012 йилда берилган К № 2715402 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"101" БЕПАРВОЛИК ЁНГИНГА САБАБЧИ

Ёнгин тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий ҳолат эмас, балки у кимнингдир айби билан юзага келувчи бахтсиз ҳодиса. Ана шу бахтсизликнинг олдini олиш эса ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

Буни фуқароларимиз унутмаслиги, ўз яшаш ва иш жойларида ёнгин хавфсизлиги қандай талабларини сўзсиз бажаришлари зарур. Ана шунда ёнгин келиб чиқмайди ва унинг олди олинган, фуқароларнинг осойишта турмуш тарзи таъминланган бўлади.

Мурод БАРАТОВ, Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, сержант

Ёнгинлар халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтирадиган офат ҳисобланади. "Тилсиз ёв" бир неча сония ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, кулга айлантиради.

Абдуваллон АБДУЛАЗИЗОВ, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исмоил Каримов номидagi илмий-маърифий мемориал мажмуа биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи Ёнгин хавфсизлиги бўлими кичик инспектори, сафдор

Ёнгин нима сабабдан келиб чиқади? Бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик - ёнгин содир бўлишининг асосий сабабларидир.

Электр симларининг қисқа туташуви, янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган биноларда газ ва электр пайвандашда, ўчмаган сигарета ташлаш оқибати, болалар шўхлиги туфайли гулгурут, газ плитаси, олов билан боғлиқ бўлган ўзбошимчилик туфайли, телевизор, даямол ва бошқа маийий техник жиҳозларни ёниқ ҳолда қолдириш каби сабабларни келтириш мумкин.

Зокир ҒОҒУРОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ
17, кундузи - 23-25 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг метеоролог хизмати маълумотида кўра, 17 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосиланиш даражаси паст бўлади.